

ҚОРАҚАЛПОҚ ХАЛҚИННИНГ ИЖТИМОЙ ОНГ ТИЗИМИДА ДИНИЙ ВА МИЛЛИЙ ҚАДРИЯТЛАР СИНТЕЗИ

*Сейтмуратов Нурланбек Аманбай ўғли
Бердақ номидаги ҚДУ,
“Ижтимоий фанлар” кафедраси асистенти*

Аннотация: Мақолада ҳар қандай жамиятнинг ривожланиш жараёнида халқнинг кўп асрлик бойлиги ҳисобланган урф-одатлар, диний, илмий дунёқарашлар асосида шаклланиб келган ижтимоий онгнинг мураккаб тузилмаси ҳакида фикр билдирилган. Жумладан, муаллиф халқларнинг диний ва миллий тарбиявий дастурлари қадимдан инсонларнинг онгига, турмуш тарзига ва хулқ-авторига кучли таъсир қилиб, диний ва миллий онгнинг трансформацияга учрашида катта ўрин эгаллагани ҳақидаги фикрларни қорақалпоқ ва ўзбек индентлилиги мисолида таҳлил этган.

Калит сўзлар: қадрият, миллат, дин, онг, дунёқараш, зардуштийлик, ислом, трансформация, тадрижийлик.

Тарихдан таркиб топган миллий анъана, урф-одат, расм-руsum, таомил, маросимларнинг вужудга келиши ва ривожланишига бир қатор омиллар бевосита ва билвосита таъсир кўрсатади. У ёки бу халқнинг азалий анъанасига айланиб қолган ҳар бир маросим миллийлик қобиғидан чиқиб, умуминсоний қадриятга айланади; тили, дини, турмуш тарзи бир-бирига яқин бўлган қўшни халқларни бирлаштиради. Қардош миллатлар орасида бир-бирини боғловчи кўприкларни вужудга келтиради.

Ўзбекларнинг, шу жумладан унга қардош қорақалпоқларнинг анъана ва маросимлари жумласига кирган барча маънавиятимиз шаҳобчаларига қараганда бироз консерватив қўринишга эга бўлиб, унинг барча турдаги йўсинлари муқаддас саналган, шу боис уларнинг кишилар томонидан ўзгартирилиши мумкин эмас, деб тушунирилган. Бу маросимлар асрлар оша аждодлардан авлодларга асосан ўзгармасдан ўтиб келган. Шу жиҳатдан ҳам алоҳида таъкидламоқ жоизки, урф-одат, анъана, маросим ва удумлар узоқ вақт давом этган тарихий тараққиётнинг маҳсулидир. Кишиларнинг моддий ва маънавий эҳтиёжларининг қондирилиши билан уларнинг сафи ва сифати ўсиб ўзгариб боради. Халқимизнинг тўй-тантаналарга ўта учлигидан, қувноқ ҳазил-мутойибаларга ташналигидан ва бундай йигинлар ўтказишида тадбиркорлигидан далолат беради. Халқимизнинг турмушида "тўй" номи билан юритиладиган анжуманлар ўнлаб-юзлаб топилади. Бу анжуманларнинг барчаси қариндош-уруғлар, таниш-билишлар, яқин қариндошлар, ёру-дўстлар, қўни-қўшнилар,

кенг жамоатчилик ҳамкорлигига ўтказилиб келинган ва шундай давом эттирилмокда.

Қорақалпоқлар ҳам ўзбеклар каби айрим хушчақчақ, шириң кайфият берадиган ҳодиса воқеаларни ҳам, эл бошига келган оғир мусибатли, рутубатли онларни ҳам “элга келган тўй” деб номлайдилар. Тўй тушунчаси билан одамлар бошига тушган воқеаларни ҳам “тўй” деб атаганлар. Шунингдек, узоқ умр кўриб, улуғ ёшга кирган, эл-юрт орасида катта обрў-эътиборга сазовор бўлган кексалар қазо қилсалар ҳам, бу кишининг “тўй”лари, деб қўйишади. Шулардан ҳам кўриниб турибдики, ҳалқ жуда кўплаб йиғин ва анжуманларларни биргина “тўй” атамаси билан атаб, унинг кенг жамоатчиликка мансублигини, унда барчанинг катнашуви зарурлигини билдирганлар.

Айни маҳалда тўй-тантаналаримизда ҳукм суреб келган айрим “хотамтойлик”, “дабдабабозлик”, “ким ўзарга тўй қилиш” каби иллатлар барҳам топиб бориши керак. Кўпчилик кишилар тўйларда ва диний маросимларда исрофгарчилик қилинмаса, барча расм-руслар оила имконидан ташқари чиқмаса деган фикрни қўллаб-қувватлайдилар.

Кўпчилик миллий урф-одатлар билан диний маросимлар ўртасидаги фарқни яхши идрок этмайдилар. Буни фарқлашнинг ўзи ҳам жуда қийинлашиб кетган. Зоро, ислом дини қабул этилганидан бошлаб диёrimiz ҳалқларининг ҳаётида тубдан ўзгаришлар рўй бера бошлаган. Жумладан, маҳаллий миллий урф-одатларни ҳам ислом дини кўрсатмаларига мослаштириш жараёни бошланган, яъни шариатга зид бўлмаган урф-одатлар қолдирилган ва улар билан бир қаторда диний маросимлар ҳам ижро этила бошлаган. Шу билан бирга эски замондан қолган кўплаб бидъат сифатида юзага келган маросимларни ҳам динийлаштириш бошланган. Чунончи, дағн маросими 7, 40, 100, йили, ҳайит, каби мархумларга атаб ўтказиладиган тадбирларда қуръон ўқиши, дуо қилиш орқали уларга диний тус берила бошлаган. Шундан кейин уларни диний маросим сифатида қабул қилиб, гўё фарз ёки суннат амаллари каби бажарадиган бўлиб кетишган. Кейинчалик бундай маросимларни тўйлардагидек катта зиёфатлар билан ўтказиш урфга айланиб қолди.

Ҳар бир ҳалқнинг, миллатнинг биринчи белгиси унинг урф-одат, анъанана ва қадриятлари эканлигини айтганмиз. Шу боис ҳам жамият мавжуд бўлган жойда маълум қадриятлар тизими шаклланади. Қадриятлар инсонни жамият, тарих, ва келажак билан боғлаб тўради, шунинг билан бирга шаклланган қатор урф-одатлар ўша ҳалқнинг фалсафасини, яъни унинг дунёқарашини кўрсатади, уни янги ўзгаришлар сари олға ривожлантиради.

Аждодларимиз ўз умрилари давомида кўрган кечирганларини фарзандларининг, авлодларининг қалбига сингдиришга, ҳалқнинг урф-одатларини эъзозлаб, Ватан, олам, оила, жамият олдида содик ва фидойи

бўлишга ўргатганлар. Диний ва миллий қарашлар, жумладан, катталарга хурматда бўлиш, қариялардан оқ фотиҳа олиш каби ҳурмат-иззат, бирдамлик, олижаноб фазилатларни пайдо қилиб уларнинг онгига сингдирғанлар.

Ўтмишда халқимизнинг майший турмуши ва ижтимоий ҳаёти жуда кенг тарқалган оғзаки ижод жанри - халқ қўшиқларида ҳаяжонли ва жўшқин тасвиrlанган. Уларда инсоннинг юксак туйғулари, пок севги, садоқатлилик, дўстлик каби фазилатлари билан бирга оғир ижтимоий аҳволи, жабр-зулумлар, бевафолик, тушкунлик, алам-ситамлари қайгули равишда кўйланади¹.

Ана шундай қадимий расм-руsumлардан бири она алласи билан боғлиқ бўлган, қорақалпоқ халқининг фольклор анъаналарида мустаҳкам ўрин эгаллаган болани бешикка бойлаш ёки бешик кўйи ҳақидаги маросим фольклоридир. Этнограф И.Жабборовнинг фикрига кўра: “Оилавий-майший маросим фольклори этнографик жиҳатдан муҳим аҳамиятга эга. Бунга кирадиган маросимлар вазифаси ва мазмуни бўйича бир неча хилга бўлинади: ... б) болаларнинг бешикдаги даври билан боғлиқ – бешикка солиш, чилла қочириш каби удумлар фольклори”². Бешик кўйлари ёки она алласининг бола тарбиясида жуда теран аҳамияти борлиги ҳақида Марказий Осиёнинг машхур олимни Абу Али ибн Сино ўзининг “Тиб қонунлари” асарида болани туғилганидан бошлаб ўз оёғида юриб кетгунга қадар қилинадиган ишлари, унинг фойдаси ҳақида шундай дейди: “Гўдакнинг тилагини қаноатлантириш ва ривожлантириш учун унга икки нарсани қўллаш керак. Биринчидан: болани оҳиста тебратиш. Иккинчидан: ухлатиш учун анъанага айланиб кетган мусиқий оҳанг билан алла айтиш. Шу иккаласини қабул қилиш миқдорига қараб гўдакнинг жисми ва жисмоний тарбияси ҳам руҳи мусиқага бўлган қобилиятини пайдо қиласди”³. Демак, бу иқтибос орқали, биз бешик кўйлари узоқ тарихий негизга эга эканлигига гувоҳ бўламиз. Ҳар бир она ўз фарзандини вояга етказиб камолга келгунча қанча қийинчиликларни бошидан кечиради, тун уйқусини тўрт бўлиб ўзининг ички туйғуларидан чиқсан қўшигини боласига бағишлиайди. Она алласида олам зиёси, борлиқ ҳаёти, кишилик меҳри қалқиб туради. Она алласи орқали ўз зурриётiga бўлган меҳрини, эзгу-мақсадларини, орзу-умидларини жойлайди. Дарвоқе, чақалоқни бешикка ётқизиб, ухлатиш учун айтиладиган кўйлар алла ёки бешик кўйи деб аталади. Бешик кўйлари халққа манзур бўлган кўй оҳангига айтиладиган қалб қўрини жо айлаган, маҳсус ижрони талаб этмайдиган, абадият қўшиғидир.

Она алласи билан ўз фарзандига ақлли бўлиш, тартибли, шерюрак, Ватанга содик, камоли бепоён бўлишини уқтиради. Қарақалпоқ элимизда бешик

¹ Жабборов И. Ўзбеклар. Тошкент, Шарқ, 2008. – Б. 197-198.

² Қарақалпак фольклоры. Том 5. Нөкис, Қарақалпақстан, 1980. – Б. 199.

³ Максетов К., Тажимуратов А. Қарақалпак фольклоры. Нөкис, Қарақалпақстан, 1979. – Б. 82.

аллаларининг ўғил ва қиз болаларга алоҳида айтиладиган куйлари бордир. Масалан, адабиётнинг ҳозирги бадиий усуллари билан “қулуним”, “қўзим”, “қалпоғим” каби сўзлар билан ўғил болага тавсиф бериладиган бўлса⁴, “оппоғим”, “япроғим”, “гулим”, “қаймоғим”, “сувсиним”⁵ каби образли бадиий усуллар билан қиз боланинг келажагини қўз олдимизга тасвирлаб берадилар. Бу ҳаяжонли сўзлар орқали бола тинч ва осуда ором олади, қўшиқ оҳанглари билан бола тез уйқуга кетади. Бу симбиозда она меҳри ва ҳаяжонли нозик туйғулар барқ уради. Алла қўшиқларида онанинг тилаги, мурожаати, баҳтли турмуши “ӯғил боланинг” уй-жойли, қиз боланинг эса гўзал, чиройли, ўз тенгига, севгани билан баҳтли бўлиши ният қилинади.

Бешик куйларида бутун дунё, инсоният келажаги, ҳаёти, ажойиб ва гўзал табиат кўриниши, еримизнинг географик пейзажи тасвирланишида ҳам теран фалсафий маъно бор. Қадимий анъаналаримиздан маълумки, чақалоқ туғилгандан кейин уй эгаси боласини бешикка ётқизиш маросимини ўтказади. Бу тадбирда яқин қариндошлар, қўни-қўшнилар мезбон уйида меҳмон бўладилар. Болани бешикка ётқизишдан аввал оиланинг энг мартабали ва эпчи ёши катта момоси гўдакни тузли сувда чўмилтиради. Оппоқ йўргакларга ўраб, бешикка боғлайди. Бу маросим чилла деб аталади ва қирқ кунгача давом этади. И.Жабборов таъкидлаганидек: “... бола туғилиши билан унга қўйлак кийгизиш одатига биноан юмшоқ матодан кипта, қўйлакча, куртacha тайёрланган. Бундай қўйлакни етти уйдан тўпланган матодан тикиб боланинг чилласи чиққунча кийгизиш шарт бўлган. Шунинг учун унга чилла қўйлак деб ном берилган. Болага қўз тегмасин, мард бўлсин деган ирим билан қўйлакни итга ёки қайроқтошга суркаганлар (ит қўйлак, қайроқ қўйлак шундан келиб чиққан)»⁶.

Барча удумлардан қўзланган мақсад: бола танасининг тўғри ривожланишига асос солиш, иккинчидан рухий жиҳатдан ривожланишига катта таъсири қилишдан иборат бўлган. Бизнинг ҳозирги кунда қўлланиладиган “тузинг йўқ” деган сўзнинг маъноси ҳам шундан қолган бўлса керак. Болани бешикка ётқизишдан олдин ташкилий ишлар олиб борилади. Жумладан, бешик ичидағи ёстиқ остига пиёз, қалампир, пичоқ қўядилар. Душманингга пиёздай, қалампирдек аччиқ бўлсин, пичоқдек ўткир бўлсин дейишса, оёқ томонига ойна қўйиб, ойнадек ҳаёти ёрқин бўлсин, юзи очиқ ойнадек гўзал бўлсин, қайра тош қўйиб боши тошдан бўлсин, нон бошида турсин, нондек азиз бўлсин, кўзи ўткир бўлсин, душмандан йироқ бўлсин, олтин бешикка кирсин деб қўшиқ айтадилар.

⁴ Қарақалпақ фольклоры. Том 5. Нөкис, Қарақалпақстан, 1980. – Б. 259-260.

⁵ Қарақалпақ фольклоры. Том 5. Нөкис, Қарақалпақстан, 1980. – Б. 259-260.

⁶ Жабборов И. Ўзбеклар. Тошкент, Шарқ, 2008. – Б. 97.

Маросимчилар хонадон эгасидан етти хил буюм ва турли кийимлар оладилар. Шулардан учтаси ёқали кийим, қолганлари эса кўрпа, кўрпача ва шу уйга тегишли бўлган бошқа буюмлардир. Етти хил буюмни бешикда ётган боланинг устига ёпадилар ва бешикка отнинг жўясини боғлайдилар. Бундан мақсад: Юздан югурак, мингдан тулпор бўлсин деб ният қилишган. Шундан сўнг “Кум сотаман”, энаси аравамни ҳайдайман, оласанми?, деб бешикнинг устига миниб чопадиган бўлган ва: Қани одамлар, мард бўлсангиз, Болани сотиб олинглар – деб қўшиқ айтишган.

Бу қорақалпоқ халқининг азалий даврлардан миллий онг компонентларида чуқур ўрин эгаллаган, урф-одат, анъана ва қадриятлари билан боғлиқ удумлари бўлиб, ислом динида деярли учрамайди, бу расм-русумлар элимизнинг ислом динидан аввалги топинишларининг кўриниши бўлиб, ҳозирги кунда миллий ва диний анъаналарнинг трансформациясидан далолат беради. Миллий фольклор ва этнографик тадқиқотлар, романлар, шеър ва қўшиқлар захирасида она ва бола мавзуси, тадқиқотлари ҳозирги кунга қадар долзарб ҳисобланади. Миллий онг структурасида мустахкам стереотиплар сифатида ҳам анъанавий, ҳам замонавий тус олаётган она алласи энг яхши маънавий ва ижтимоий тарбия воситасидир. «Барча замонларда ҳар бир жамиятнинг бош омили дунёдаги энг олий мавжудот бўлмиш инсон ҳисобланган. Инсон моҳияти жамият моҳияти билан боғлиқ шахс камолининг асосий манбай жамиятда, у фаолият кўрсатаётган ижтимоий муносабатлар тизимидаидир»⁷.

Зеро шундай экан, адабий, бадиий асарлар, халқ оғзаки ижоди, достонлардаги ижтимоий муносабатларнинг олий ўзаги оила ва фарзандлар тарбияси ҳақидаги фикрларнинг мазмун ва моҳиятини авлодларга сингдириш долзарб масалалар қаторидан ўрин эгаллаган. Чунки уларнинг негизида халқ, миллат, элат фарзандларининг дунёқарашининг кенг, одоб-икромли, гўзал, билимли қилишга оид чуқур фалсафий фикрлар эгаллагани эътиборга лойиқдир.

Адабиётлар:

1. Жабборов И. Ўзбеклар. Тошкент, Шарқ, 2008;
2. Қарақалпақ фольклоры. Том 5. Нөкис, Қарақалпақстан, 1980;
3. Қарақалпақ фольклоры. Том 5. Нөкис, Қарақалпақстан, 1980;
4. Мақсетов Қ., Тажимуратов А. Қарақалпақ фольклоры. Нөкис, Қарақалпақстан, 1979.

⁷ Жабборов И. Ўзбеклар. Тошкент, Шарқ, 2008. – Б. 228.